

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/27.02.2020.B.01.15 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

МИРЗАЕВ ЖАСУРБЕК АШИРАЛИЕВИЧ

**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ СУҒОРИЛАДИГАН ЕР ВА СУВ
РЕСУРСЛАРИДАН БАРҚАРОР ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЭКОЛОГИК
ЖИҲАТЛАРИНИ БАҲОЛАШ**

11.00.05 – Атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Мирзаев Жасурбек Аширалиевич

Жиззах вилояти суғориладиган ер ва сув ресурсларидан барқарор
фойдаланишнинг экологик жиҳатларини баҳолаш 3

Мирзаев Жасурбек Аширалиевич

Оценка экологических аспектов устойчивого использования
орошаемых земель и водных ресурсов Джизакской области..... 21

Mirzaev Jasurbek Ashiralievich

Assessment of environmental aspects of sustainable use of irrigated land
and water resources in the Jizzakh region..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 42

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/27.02.2020.B.01.15 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

МИРЗАЕВ ЖАСУРБЕК АШИРАЛИЕВИЧ

**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ СУҒОРИЛАДИГАН ЕР ВА СУВ
РЕСУРСЛАРИДАН БАРҚАРОР ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЭКОЛОГИК
ЖИҲАТЛАРИНИ БАҲОЛАШ**

11.00.05 – Атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2. PhD/B173 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.nuu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Кулматов Рашид Анарович**
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Жабборов Зафаржон Абдукаримович**
биология фанлари доктори, профессор

Насрулин Айдар Булатович
география фанлари номзоди, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот: **Тошкент давлат Аграр университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/27.02.2020.B.01.05 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси 4-уй, Ўзбекистон Миллий университетининг Биология факультети биноси, 2-қават, 203-хона. Тел.: (+99871-246-67-72).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси 4-уй, Тел.: (+99871-246-67-72).

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «__» _____ даги № _____ рақамли реестр баённомаси).

Шеримбетов Санжар Гулмирзоевич

Илмий даража берувчи бир марталик Илмий кенгаш раиси, биология фанлари доктори, профессор

Аллабердиев Рустамжон Хамраевич

Илмий даража берувчи бир марталик Илмий кенгаш котиби, биология фанлари номзоди, доцент

Рахимова Ташханим Тўймухамедовна

Илмий даража берувчи бир марталик Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
биология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда тупроқларга бўлган табиий ва антропоген таъсирларнинг ортиб бориш тенденцияси кузатилмоқда, натижада тупроқларнинг хоссалари, экологик ҳолатининг ўзгариши ва унумдорлигининг пасайиши, шунингдек, айрим ҳолларда фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолиши учрамоқда. Бу ўринда, тупроқлардаги ўзгаришларни экологик таҳлил қилиш ва таъсир этаётган омилларни ўрганиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Жаҳонда суғориладиган ер ва сув ресурслардан фойдаланишнинг барқарор ривожланиш концепцияси қабул қилинган: жумладан, суғоришда ишлатилаётган сув ресурсларининг сифати, миқдори, сизот сувлари сатҳи, минераллашуви, суғориладиган тупроқларнинг шўрланиш даражаси, коллектор-зовур сувларининг миқдор ва сифат ўзгаришлари, сув-тупроқ-туз режимини аниқлаш ҳамда баҳолашга оид илмий-тадқиқотларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳозирда республикада ер ва сув ресурсларидан барқарор фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича кенг қамровли чора тадбирлар амалга оширилган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹, жумладан, «...тупроқ унумдорлиги ва кишлок хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, ер ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш» бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда, жумладан, Жиззах вилояти суғориладиган ер ва сув ресурсларидан барқарор фойдаланишнинг экологик жиҳатларини баҳолаш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 31 майдаги ПФ-5065-сон “Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасида назоратни кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш, давлат кадастрлари юритишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 27 ноябрдаги № ПҚ-3405-сон “2018-2019 йилларда ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури тўғрисида”ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги 841-сон “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий–

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф–муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг кўпгина ривожланган давлатларида суғориш сувларининг сифатини, ер ости сизот сувларининг сатҳи ва минераллашувини, суғориладиган майдонларда ҳосил бўлган коллектор-зовур сувларини аниқлаш бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Мазкур соҳада жаҳоннинг етакчи олимлари, жумладан, Н.К.Marquita (2004), J.Patrick (2005), C.Saigo (2009), D.D.Chiras (2010), В.К.Yessekin (2007), M. Groll (2013), Z.Sun (2015), D. Rise (2016), A.Jilili (2018) лар томонидан суғориш сувларининг сифатини, тупроқда кимёвий моддаларнинг ҳаракати ва суғориладиган майдонларнинг шўрланиши ҳамда уларнинг оқибатларини юмшатишни тадқиқ қилишган.

МДҲ ва республикада худудларида суғориш сувларининг миқдор ўзгаришлари Л.М.Куропатка (1975), Ф.Э.Рубинова, Ю.Н.Иванов (2005), Х.Якубовлар (2008), В.Духовний (2010), Ф.Хикматов (2015) суғориладиган тупроқларнинг хоссалари ҳамда сизот сувларини ўрганиш бўйича Н.А.Димо (1920), М.М.Бушуев (1930), М.М.Решеткин (1932), В.А.Ковда (1965), О.К.Камилов (1985), Т.В.Королюк (1968), Е.И.Панкова (1970), В.М.Мазиков (1974), Р.Қ.Қузиёев (1980), Л.А.Гафурова (2000), С.А.Абдуллаев (1990), А.У.Аҳмедов (1994), Х.Қ.Номозов (1998), В.Е.Чуб (1980), Э.Чембарисов (1986), Б.А.Бахритдинов (1989), М.Рахимова (2016), Н.И.Шадиева (2017), И.Э.Махмудов (2019) ва бошқа кўплаб олимлар томонидан салмоқли ишлар амалга оширилган.

Бироқ, ушбу тадқиқот ишларида Жиззах вилоятида суғориш мақсадларида ишлатилаётган сувларнинг сифати, сизот сувларининг сатҳи, минераллашуви, коллектор-зовур сувларининг сифат ва миқдор ўзгаришлари, тупроқларнинг шўрланиш даражаси ҳамда сув-тупроқ-туз режими йиллар давомида ўзгариш динамикалари ҳақида тўлиқ маълумотларни акс эттирувчи илмий тадқиқотлар етарлича олиб борилмаган. Шунга кўра, Жиззах вилояти суғориладиган ер, сув ресурсларидан барқарор фойдаланишнинг экологик жиҳатларини аниқлаш ва баҳолаш бўйича тадқиқотларини олиб бориш илмий-амалий аҳамият касб этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг №А-7-27 «Қуйи Зарафшон округи барқарор ривожланишининг геоэкологик индикаторлари ва уларни амалий баҳолаш» (2015-2017) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Жиззах вилояти суғориладиган ер ва сув ресурсларидан барқарор фойдаланишнинг экологик жиҳатларини аниқлаш ва баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Жиззах вилоятида суғоришда ишлатилаётган сув ресурсларининг сифат ва миқдор кўрсаткичларини аниқлаш асосида таҳлил қилиш;

суғориладиган ерларнинг сизот сувлари сатҳи, минераллашуви ўзгариши динамикасини асослаш;

суғориладиган тупроқларнинг шўрланиш даражасини баҳолаш;

суғориладиган майдонларда ҳосил бўлган коллектор-зовур сувларининг миқдор ва сифат ўзгаришлари динамикасини аниқлаш ҳамда баҳолаш;

сув-тупроқ-туз режимини аниқлаш ва баҳолаш;

сув тақчил бўлган йилларда кам минераллашган коллектор-зовур сувларидан фойдаланиш учун тавсия бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Жиззах вилояти суғориш мақсадида ишлатилаётган сув ресурслари, суғориладиган тупроқлари, ер ости сизот сувлари ва суғориладиган майдонларда ҳосил бўлган коллектор-зовур сувлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети ер ости сизот сувларининг сатҳи, минераллашуви, суғориладиган ерларнинг шўрланиш даражаси, Сирдарё ва Зарафшон дарёларининг суви сифати ҳамда коллектор-зовур сувларининг сифат ҳамда миқдор ўзгаришлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида фотометрик, турбидиметрик, атом-абсорбцион, спекторфотометрик, хроматография, термик, комплексонометрик, статистик ва қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Жиззах вилоятида суғориш мақсадида ишлатилган сув ресурсларининг сифат ва миқдор ўзгаришлари, суғориладиган майдонлардаги сизот сувларининг сатҳи ва минераллашув динамикасининг ўзгариши йиллар кесимида асослаб берилган;

вилоят суғориладиган тупроқларининг шўрланганлик даражаси динамикаси йиллар кесимида ўзгариши очиб берилган;

илк бор Жиззах вилояти суғориладиган майдонларида ҳосил бўлган коллектор-зовур сувларининг сифат ва миқдор кўрсаткич хусусиятлари илмий жиҳатдан исботланган;

суғориладиган майдонлардаги сув-тупроқ-туз режими ҳамда коллектор-зовур сувларидан қайта фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

суғориш (дарё) сувларидан суғориладиган ерларда самарали фойдаланиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

суғориладиган майдонларда ҳосил бўлган кам минераллашган коллектор-зовур сувларидан фойдаланиш бўйича амалий тавсиялар берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда олиб борилган кўп йиллик лаборатория ва дала тажрибаларининг натижалари классик ва замонавий статистик дастурлар ёрдамида таҳлил қилинганлиги, етакчи, нуфузли илмий нашрларда чоп этилганлиги, республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинганлиги, тадқиқотнинг амалий натижалари ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, суғориш мақсадларида ишлатилган сув ресурсларининг кимёвий таркиби ва миқдори аниқланганлиги, суғориладиган ерлардаги сизот сувларининг сатҳи ва минераллашуви динамикаси баҳоланганлиги, суғориладиган тупроқларнинг шўрланганлик даражаси динамикаси баҳоланганлиги, суғориладиган майдонларда ҳосил бўлган коллектор-зовур сувларининг сифат ва миқдор кўрсаткичларининг аниқланганлиги ва сув-тупроқ-туз режимининг илмий баҳоланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, Жиззах вилояти суғориладиган тупроқларининг шўрланиш даражасини баҳолашда ва камайтиришда ҳамда улардан самарали фойдаланиш ва муҳофаза қилишда, суғориш учун ишлатилган сув ресурсларининг сифати ва миқдор кўрсаткичларини баҳолашда ва суғориладиган майдонларда ҳосил бўлган коллектор-зовур сувларининг сифат ва миқдор кўрсаткичларини баҳолаш асосида кам минераллашган коллектор-зовур сувларидан қайта суғориш мақсадида фойдаланишга амалий тавсиялар берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Суғориладиган тупроқларнинг шўрланиш даражаси ва уларнинг экологик ҳолатини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

суғориладиган майдонлардаги ер ости сизот сувларининг сатҳи ва минераллашувининг тупроқ шўрланишига салбий таъсири ҳамда юқори даражада минераллашган коллектор-зовур сувларидан суғориш мақсадларида қайта фойдаланиш усуллари №МВ-ҚХ-А-ҚХ-2018-91-сонли “Жиззах ва Сирдарё вилоятларининг ҳар хил агроценоз шароитларда микроб препаратларидан фойдаланишнинг экологик жиҳатлари” амалий лойиҳасида тупроқ унумдорлигини тиклаш, тупроқларга биотехнологик ишлов беришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 21 июндаги 89-03-4397-сон маълумотномаси). Натижада, суғориладиган майдонларнинг шўрланиш даражаси ва ер ости сувларининг сатҳи ҳамда минераллашувига қараб биопрепаратларни қўллаш меъёрларини белгилаш ҳамда тупроқ унумдорлигини тиклаш имконини берган;

суғориладиган майдонларда ҳосил бўлган нисбатан кам минераллашган Жиззах бош коллектори (ЖБК) ва Оқбулоқ коллектор-зовур сувларидан сув тақчил бўлган йилларда суғориш, тузга чидамли ўсимликларни етиштириш юзасидан ишлаб чиқилган амалий тавсиялар “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш” Жиззах вилояти бошқармаси амалиётига жорий қилинган

(Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг 2020 йил 13 ноябрдаги 04-02/8-944-сон маълумотномаси). Натижада, нисбатан кам минераллашувли ЖБК ва Оқбулоқ коллектор-зовур сувларидан сув тақчил бўлган йилларда суғориш, тузга чидамли ўсимликларни етиштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 10 та, жумладан, 5 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси нуфузли хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 105 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқотнинг объекти ва предмети, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ҳамда диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Суғориладиган ер ва сув ресурсларидан барқарор фойдаланишнинг экологик жиҳатлари”** деб номланган биринчи бобида республика ва хорижий мамлакатларда олиб борилган тадқиқот натижалари мавжуд адабиётлар асосида таҳлил қилинган ва ёритилган. Тадқиқот олдида қўйилган мақсаддан келиб чиқиб, суғориладиган майдонларнинг шўрланиши, ер ости сизот сувларининг сатҳи ва минераллашуви, суғоришда ишлатиладиган сувларнинг сифат ва миқдори, ҳамда амалга оширилган тупроқ мелиоратив яхшилашга оид чора-тадбирлар бўйича маҳаллий ва хорижий адабиётлар таҳлиллари келтирилган.


Адабиётлар таҳлили асосида ва якунида Жиззах вилояти суғориладиган тупроқлари, сизот сувлари сатҳи, минераллашуви, шўрланиши, коллектор-зовур сувларининг сифат ва миқдор кўрсаткичлари, суғориладиган майдонлардаги сув-тупроқ-туз режимини аниқлашга бағишланган тадқиқотлар етарли эмаслигини кўрсатди.

Диссертациянинг **«Тадқиқот ўтказилган жойнинг табиий шароитлари ва тажриба усуллари»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган жойнинг тупроқ-иқлим шароитлари, тадқиқот ҳудудининг гидрогеологик ва гидрологик шароитлари, ҳудуд

тувроқларининг тавсифи, тадқиқот усуллари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Тадқиқотлар майдони бўлган Жиззах вилояти суғориладиган тувроқларининг асосий қисми яъни, 266317 га сунъий коллектор-зовур лар билан таъминланган бўлиб, улар Мирзачўл ва Жиззах чўлларида, қолган суғорма ер майдонлари Бахмал, Ғаллаорол, Жиззах, Фориш ва Янгиобод туманларининг тоғ олди қисмларида жойлашган бўлиб, сизот сувларининг сатҳи жуда пастда бўлганлиги туфайли сунъий коллектор-зовур ларга зарурат йўқ.

Вилоят суғориладиган ерларида асосий 5 та катта коллектор-зовур (Жиззах бош коллектори, Қли, Окбулоқ, Чегера ва Марказий–9) суғориладиган майдонларда ҳосил бўлган коллектор-зовур сувларини Тузкон кўлига ташлайди (1–расм).



1–расм. Тадқиқот ҳудудининг суғориладиган майдони ва асосий коллекторлари ҳамда намуна олинган жойлар харитаси.


Тадқиқот ишларида вилоят минтақавий гидрогеологик мелиорация экспедицияси ходимлари билан 2016–2018 йиллар давомида махсус дала экспедициялари ташкил қилиниб, суғоришда ишлатилган дарёлар сувидан, ер ости сизот сувларидан ва коллектор-зовур сувларидан (бош, ўрта ва қуйи қисмлари) кимёвий таҳлил учун намуналар олинган. Намуналар физик-кимёвий усуллар ёрдамида анализ қилиниб, чуқур статистик қайта ишланган ва таҳлил қилинган. Вилоят ер ва сув бошқармаси таклифи билан суғоришда ишлатилган сув ресурслари, сизот сувлари сатҳи ва минераллашуви, суғориладиган тувроқларнинг шўрланиши ҳақидаги 2000–2015 йиллар маълумотларининг ўзгариш динамикасини баҳолаш мақсадида чуқур статистик қайта ишланиб таҳлил қилинди ва фойдаланиш учун тавсиялар берилди.

Диссертациянинг “Вилоят сув ресурслари, сизот сувлари сатҳи, минераллашувининг ўзгариши динамикасини аниқлаш ва баҳолаш” деб номланган учинчи бобида суғоришда ишлатилган сув ресурсларининг миқдор ва сифат ўзгаришлари, суғориладиган ерлардаги сизот сувлари сатҳи,

минераллашуви ўзгариши, тупроқлар шўрланиш даражаси динамикаси баҳоланган.

Суғоришда ишлатиладиган сув ресурсларининг миқдор ва сифат ўзгаришини баҳолаш. Вилоятнинг сув таъминоти трансчегаравий характерга эга бўлиб, кўп жиҳатдан Қирғизистон ва Тожикистон республикаларидан келадиган сув миқдorigа боғлиқ. Вилоятда йилига ўртача Сирдарё дарёсидан 1890 млн м³, Зарафшон дарёсидан 1050 млн м³ ва Сангзор дарёсидан 100 млн м³ сув олиб ишлатилади. Вилоят бўйича жами ишлатилган сув ресурслари миқдори 3040 млн м³ бўлиб, шундан 2850 млн м³ сув қишлоқ хўжалигида суғориш мақсадида фойдаланилади. Вилоят бўйича қолган 190 млн м³ сув саноат ва ичимлик суви сифатида фойдаланилади.

Зарафшон дарёси суви ҳам суғориш мақсадларида ишлатилади. Зарафшон дарёси Раватходжа гидропостидан суғориш мақсадида энг кам ишлатилган сув ҳажми январ ва феврал ойлари бўлиб (1,29 м³/сек), энг кўп ишлатилган сув ҳажми вегетация даврига—май, сентябрь ва июл ойларига тўғри келган. Раватходжа гидропостидан йилига ўртача 88,25 м³/сек сув вилоятда суғориш мақсадида ишлатилади (3–расм).



3–расм. Зарафшон дарёси Раватходжа гидропостида суғориш мақсадида ишлатилган сув миқдори, м³/сек (2016–2018 йиллар)

Тадқиқот йилларида суғоришда ишлатилган Сирдарё сувининг ўртача минераллашуви 2000 йилда 1,3 г/л; 2005 да 1,0 г/л ; 2010 да 1,1 г/л ва 2018 да 1,2 г/л бўлган. Энг юқори минераллашуви 1,7-1,8 г/л бўлган (1–жадвал).

1–жадвал

Дарё сувлари минераллашуви даражаси (2000–2015 йиллар Ўзгидромет маълумотлари)

Дарёлар	Гидропостлар	Минераллашув, (г/л)											
		2000			2005			2010			2018		
		минимал миқдор	максимал миқдор	ўртача миқдор	минимал миқдор	максимал миқдор	ўртача миқдор	минимал миқдор	максимал миқдор	ўртача миқдор	минимал миқдор	максимал миқдор	ўртача миқдор
Сирдарё	Надежденский	0,8	1,8	1,3	0,5	1,5	1,0	0,7	1,5	1,1	0,7	1,7	1,2
Зарафшон	Раватходжа	0,32	0,38	0,35	0,3	0,34	0,32	0,31	0,41	0,36	0,32	0,46	0,39

Зарафшон дарёси сувининг Раватходжа гидропостидаги минераллашуви ўртача 0,35–0,39 г/л ва энг юқори минераллашуви 0,46 г/л бўлган.

Тадқиқот натижалари таҳлилидан Сирдарё сувининг таркибида биологик кислород истеъмоли, кимёвий кислород истеъмоли, азот нитрити, нефть маҳсулотлари ва феноллар рухсат этилган чегаравий улушдан (РЭЧУ) ортиқ бўлган (2–жадвал).

2–жадвал.

Сирдарё суви сифат кўрсаткичлари (2000–2015 йиллар Ўзгидромет маълумотлари)


Дарёнинг Надежденский гидропости	2000 йил		2009 йил		2018 йил		Рухсат этилган чегаравий улуш (РЭЧУ), мг/л
	Ўртача миқдор	Максимал миқдор	Ўртача миқдор	Максимал миқдор	Ўртача миқдор	Максимал миқдор	
Кислород, мг/л	10,93	11,58	11,63	10,51	14,82	15,85	4,0-6,0
КБИ (кислороднинг биологик истеъмоли), мгО/л	3,1	5,44	5,38	32,8	4,14	7,73	3,0., мгО/дм ³
ККИ (кислороднинг кимёвий истеъмоли), мгО/л	19,2	30,2	19,86	32,8	16,68	19,7	15-30., мгО ₂ /дм ³
Азот аммоний, мг/л	0,018	0,13	0,02	0,06	0,04	0,25	0,39
Азот нитрат, мг/л	2,347	4,47	0,021	0,146	0,014	0,04	9,1
Азот нитрит, мг/л	0,026	0,072	1,11	2,63	2,07	4,05	0,02
Фенол, мг/л	0,002	0,007	0,001	0,004	0,002	0,006	0,001
Нефт маҳсулотлари, мг/л	0,04	0,09	0	0,1	0,01	0,05	0,05
Хром-VI, мг/л	0,004	0,0013	0,007	0,0034	0,002	0,0012	0,001
Темир, мг/л	0,002	0,005	0,001	0,003	0,00001	0,00001	0,5
Мис, мг/л	0,006	0,0012	0,002	0,0024	0,001	0,0022	0,001
Рух. мг/л	0,0067	0,00226	0,0036	0,0062	0,0035	0,00102	0,01
Фтор, мг/л	0,65	0,94	0,65	0,9	0,72	0,86	0,75
Минерализация, мг/л	1101,9	1351,8	1070,1	1854,4	1066,5	1496,2	1000

Тадқиқот йилларида (2016–2018 йиллар), дарё суви таркибида оғир металллардан: мис элементининг миқдори 2 баробар, хром элементининг юқори миқдори 1,5–3,0 баробаргача РЭЧУ дан ошган. Фтор элементи миқдорининг ҳам максимал қийматлари РЭЧУ дан 1,1–1,2 баробар ошган.

Дарё суви минераллашувининг 1,0 г/л–дан ортиқ бўлиши вилоят суғориладиган майдонлари шўрланишининг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

Суғориладиган ерлардаги сизот сувлари сатҳи ўзгаришининг динамикасини аниқлаш ва баҳолаш. Кўп йиллик маълумотлар таҳлилларидан қуйидагилар маълум бўлди: жуда саёз (0–1 метргача) ер ости сизот сувлари бўлган суғориладиган майдонлар аниқланмаган. Вилоят бўйича ўртача 1–1,5 метргача ўртача чуқурликда суғориладиган майдонлар 800 га, 1,5–2 метргача 6 минг 230 га, 2–3 метргача 199,980 минг га, 3–5 метргача 63930 га ва 5 метрдан юқори бўлган майдонлар, 2710 га–ни ташкил қилган. Вилоят суғориладиган тупроқларининг энг катта майдонлари чуқурлик даражаси 2,1–3,0 м бўлган ер ости сизот сувлари ташкил қилиб 66,96% бўлган.

Тадқиқот йиллари давомида вилоят суғориладиган майдонларида ер ости сизот сувлари сатҳи ўртача 5–10% атрофида ўзгариб турган (4–расм).




4–расм. Вилоят суғориладиган майдонларида сизот сувлари сатҳининг ўзгариш динамикаси (2000–2015 йиллар вилоят минтақавий гидрогеологик мелиорация экспедициясининг маълумотлари)

Хулоса қилиб айтганда, суғориладиган майдонлар ер ости сизот сувлари сатҳининг ўзгариши динамикаси таҳлили тупроқлар мелиоратив ҳолатини баҳолашда муҳим ҳисобланади. Сизот сувлари сатҳининг кўтарилиши тупроқлар ботқоқланишга ва ерларнинг шўрланишига олиб келиши мумкин.

Суғориладиган ерлардаги сизот сувларининг минераллашуви ўзгариш динамикасини аниқлаш ва баҳолаш. Суғориладиган тупроқлар шўрланишини баҳолашда ер ости сизот сувларининг минераллашувини аниқлаш ва баҳолаш муҳим амалий аҳамиятга эга. Агар суғориладиган майдонларда ер ости сизот сувларининг сатҳи ва минераллашуви юқори бўлса, бундай майдонларда шўрланиши даражаси ҳам юқори бўлади.

Тадқиқот йиллари давомида вилоят суғориладиган майдонларида сизот сувлари минераллашувининг ўзгариш динамикаси натижалари қуйидагича бўлган: 0–1 г/л гача 13%, 1–3 г/л гача 39%, 3–5 г/л гача 36%, 5–10 г/л гача 11%, 10 г/л дан юқори 1% ни ташкил қилган. Суғориладиган ерларнинг катта майдонларида ер ости сизот сувлари минераллашув даражаси 1,3 ва 3–5 г/л (75%) оралиғида бўлган (5–расм).

Нисбатан паст минераллашув даражасида бўлган майдонлар 58,7 минг га–дан 91 минг га–га кўпайган. Ер ости сизот сувларининг ўртача минераллашуви (3,1–5,0 г/л) 44,9 минг га дан 16,5 минг га гача (ўртача 20,8%) камайган. Сизот сувларининг минераллашуви 5 г/л дан юқори бўлган майдонлар фақат 0,7% майдонларда аниқланган ва ушбу майдонларнинг камайиши (3,600 дан 300 га гача) кузатилган (5–расм).



5–расм. Суғориладиган майдонлар сизот сувлари минераллашувининг ўзгариш динамикаси (2000–2015 йиллар вилоят минтақавий гидрогеологик мелиорация экспедициясининг маълумотлари)


Тадқиқот натижаларидан кўриниб турибдики, вилоят суғориладиган майдонлари минераллашуви ўзгариши динамикасида кам даражада бўлса ҳам ижобий ўзгаришлар борлиги қайд қилинган. Тупроқларнинг шўрланиши даражаси, сизот сувлари сатҳини ва минераллашувини мониторинг қилиш орқали суғориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолатини аниқлаш ва баҳолаш мумкин бўлади.

Нисбатан юқори сизот сувларининг сатҳи ва минераллашувини пасайтириш учун қуйидагилар тавсия қилинади: Ер ости сизот сувлари сатҳининг кўтарилмаслиги учун, сувни тежовчи суғориш усулларидан фойдаланиш, вақти–вақти билан суғориладиган майдонларни текислаб туриш, коллектор-зовур лар тизимларини тозалаб туриш лозим бўлади.

Суғориладиган ерларнинг шўрланиш динамикасини аниқлаш ва баҳолаш. Суғориладиган тупроқларнинг шўрланиши экинлар ҳосилдорлигини пасайтиради ва тупроқ деградация жараёнларини кучайтиради. Вилоят суғориладиган майдонларининг шўрланиш даражаси динамикасини аниқлаш ва баҳолаш мақсадида олиб борилган тадқиқот натижаларидан қуйидагилар маълум бўлди (6–расм).

Шўрланмаган суғориладиган майдонлар 1997 йилда 50,565 минг га, 2018 йил 67,636 минг га ни ташкил этган. Бу эса шўрланмаган суғориладиган майдонларнинг 17,071 га га ёки 5% кўпайганлигини кўрсатади (6–расм).

Кучсиз шўрланган суғориладиган майдонларда 1997 йил 159,813 минг га, 2018 йилда 158,667 минг га ни ташкил этган, яъни кучсиз шўрланган суғориладиган майдонлар ҳам озроқ бўлсада 1,146 га га камайган. Ўртача шўрланган суғориладиган майдонлар 1997 йил 74,589 минг га ни, 2018 йилда 68,620 минг га ни ташкил этган, яъни ўртача шўрланган суғориладиган майдонлар ҳам тадқиқот йилларида 5,969 минг га га камайган. Лекин кучли шўрланган суғориладиган майдонлар 1997 йил 4,040 минг га ни ташкил этган бўлса, 2018 йилда 5,624 минг га бўлиб, нисбатан камроқ бўлсада ошган (6–расм).




6–расм. Вилоят суғориладиган майдонларининг шўрланиш даражаси динамикаси (2000–2015 йиллар вилоят минтақавий гидрогеологик мелиорация экспедициясининг маълумотлари)

Хулоса қилиб айтганда, кузатув олиб борилган йилларда вилоят суғориладиган тупроқларининг шўрланиш даражаси кам даражада бўлсада яхшиланганлигини кўрсатган.

Диссертациянинг “**Суғориладиган майдонларда ҳосил бўлган коллектор-зовур сувларининг миқдор ва сифатини аниқлаш ҳамда баҳолаш**” деб номланган тўртинчи бобда илк бор суғориладиган майдонларда ҳосил бўлган коллектор-зовур сувларнинг миқдор ва сифат (кимёвий таркиби) кўрсаткичлари динамикаси йиллар ва ойлар кесимида ҳамда сув-тупроқ-туз режими аниқланган ва баҳоланган.


Суғориладиган майдонларда ҳосил бўлган коллектор-зовур сувларнинг миқдор ва сифати ўзгаришлари динамикасини йиллар кесимида аниқлаш ва баҳолаш. Жиззах бош (ЖБК) коллектор-зовур ининг ўртача йиллик сув сарфи динамикаси 2000 йилда ўртача 9,02 м³/сек; 2005 йилда 13,6 м³/сек; 2010 йилда 7,2 м³/сек 2018 йилда 10 м³/сек ва 2015–2018 йилларда 10–11 м³/сек атрофида ўзгариб турган. 2005 йилнинг баҳор фасли серёғин келиши (524,5 мм) Зомин тоғ ёнбағирларидан оқиб тушган ёмғир сувларининг ҳисобига ЖБК–да ўртача йиллик сув сарфи нисбатан юқори бўлган 13,6 м³/сек. 2010 йилда йилнинг қуруқ ва баҳор фаслида кам ёғингарчилик бўлиши сабабли ЖБК–да сув сарфи нисбатан кам бўлган 7,2 м³/сек (7–расм).

ЖБК–нинг минераллашуви 2000 йилда 1,41 г/л, 2005 йилда 2,27 г/л, 2010 йилда 2,94 г/л, 2015 йилда 3,21 г/л ва 2018 йилда 3,78 г/л, бўлган. Тадқиқот йилларида ЖБК–нинг минераллашуви энг юқори 2018 йилда ва энг пасти 2000 йилда кузатилган ва ўртачаси 2,72 гр/л ни ташкил қилган(7–расм).




a


b



c



d




e

7–расм. Вилоят асосий коллектор-зовур сувларининг ўртача йиллик сув сарфи ва минераллашуви ўзгариши динамикаси: *a*–ЖБК; *b*–Қли; *c*–Оқбулоқ; *d*–Чегара; *e*–Марказий 9–коллектор-зовур лари. (2000–2015 йиллар вилоят минтақавий гидрогеологик мелиорация экспедициясининг маълумотлари)


Вилоятнинг қолган асосий коллектор-зовур ларида (Қли, Оқбулоқ, Чегара ва Марказий–9) ўртача йиллик сув сарфи динамикаси таҳлилида ҳам шундай ёки шунга ўхшаш ўзгаришлар қайд қилинган.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, вилоятнинг асосий коллектор-зовур сувларининг минераллашув динамикаси йиллар давомида муттасил ошиб борган ва сув сарфи билан минераллашуви ўртасида корреляцион боғланиш аниқланмади.

Сугориладиган майдонларда ҳосил бўлган коллектор-зовур сувларнинг миқдор ва сифат ўзгаришларини ойлар кесимида аниқлаш ва баҳолаш. Вилоят асосий коллектор-зовур ларидан бири ЖБК–ининг ойлик ўртача минераллашуви ўзгариши динамикаси таҳлил қилинганда: 2000 йил апрель–май, 2005 йил март, 2010 йил февраль, ноябрь, декабрь ва 2018 йилнинг апрель, май ойларида минераллашуви миқдорининг ошганлиги кузатилди, сув сарфи баҳорги ва кузги экинларни суғориш даврида ҳамда шўр ювиш тадбирларини амалга ошириш вақтида юқори бўлганлиги кузатилди. (8–расм).



a



b

8–расм. Вилоят асосий коллектор-зовурларнинг 2000, 2005, 2010 ва 2018 йиллар давомидаги ойлик сув сарфи ва минераллашувининг ўзгариши динамикаси: а–ЖБК ва б–Қди коллектор-зовур и (2000–2015 йиллар вилоят минтақавий гидрогеологик мелиорация экспедициясининг маълумотлари)

Худди шундай йил фасллари ва ойлар давомида ойлик ўртача минераллашуви ўзгариш динамикаси вилоятнинг бошқа асосий коллектор-зовур ларида ҳам кузатилган, яъни коллектор-зовур сувларининг ўртача минераллашуви йил фасллари давомида муттасил ошиб борган.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу маълумотлар асосида фермер ва ирригаторлар коллектор-зовур лар суви миқдори ва сифатининг ойлар ва фасллар давомида ўзгаришини баҳолаши ҳамда коллектор-зовур сувидан суғорма деҳқончиликда ва бошқа мақсадларда фойдаланиши учун муҳим аҳамиятга эга.

Коллектор-зовур сувларининг кимёвий таркиби. Вилоятнинг асосий коллектор-зовур лар сувларининг кимёвий таркиби илк бор ўрганилди ва баҳоланди.

3-жадвал

ЖБК суви кимёвий анализи маълумотлари

ЖБК сувининг компонентлари	Бош қисми	Ўрта қисми	Қуйи қисми	Ўртача	РЭЧУ, мг/л	Сирдарё дарёси сувининг таркиби
Азот нитрит (NO ₂), мг/л	0,007	0,006	0,008	0,007	0,02	0,012
Азот аммоний (NH ₄), мг/л	0,25	0,29	0,29	0,27	0,39	0,03
Азот нитрат (NO ₃), мг/л	0,29	0,27	0,29	0,28	9,1	1,8
Хлор, мг/л	221,4	226,8	238,3	228,8	300	62,7
Сульфат, мг/л	1575	1684	1618	1625,6	100	324,1
Гидрокарбонат, мг/л	254	241	268	254,3	-	135,7
Кальций, мг/л	276,1	281,3	280,5	279,3	180	722,2
Магний, мг/л	223,4	218,5	218,9	220,2	40	53,9
Натрий, мг/л	297,9	312,1	307	305,6	120	89,7
Калий, мг/л	2,8	3,2	3,0	3	50	-
Темир (Fe) мг/л	0,7	0,8	0,8	0,9	0,5	0,09
Нефт маҳсулотлари, мг/л	0,012	0,021	0,03	0,021	0,05	0,02
Фтор, мг/л	0,61	0,72	0,69	0,67	0,75	0,54
Хром (+6), мг/л	0,008	0,016	0,018	0,014	0,001	0,75
Мис, мг/л	0,0157	0,0142	0,0192	0,0163	0,001	2,1
Рух, мг/л	0,128	0,107	0,113	0,116	0,01	9,7
Қаттиқлик, мг-экв/л	31	29	32	30,6		9,0
Минерализация, мг/л	2831	2967	2932	2910	1000	1167

Коллектор-зовур сувлари таркибида асосан – оғир металллардан: темир, хром, мис ва рух миқдори РЭЧУдан бир неча баробарга, фтор бирикмалари билан РЭЧУдан ортиқ миқдорда ифлосланган. Анионлардан: азот нитрит, азот аммоний, азот нитрат, хлор ва сульфат миқдорлари РЭЧУдан 2–3 баробарга, катионлардан: кальций, магний, натрий ва калий бирикмалари миқдори 5–6 баробар юқори бўлган. Коллектор-зовур сувларини азот, фтор ва оғир металл бирикмалари билан ифлослантирувчи асосий манба қишлоқ хўжалигида ишлатилган ва ишлатилаётган пестицидлар, минерал ва органик ўғитлар қолдиғидир (3-жадвал).

Вилоятда сув танқис бўлган йилларда коллектор-зовур сувларидан фойдаланишда минераллашувига эътибор берилмайди. Лекин юқори минераллашган коллектор-зовур сувларидан суғоришда фойдаланилганда тупроқнинг иккиламчи шўрланишига сабаб бўлади.

Олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида суғориш мақсадларида ўртача минераллашув миқдори 2,72 г/л бўлган ЖБК–ининг ва 3,1 г/л бўлган Оқбулоқ коллектор-зовур сувларидан суғориш ва бошқа мақсадларда фойдаланиш учун тавсия қилинади.

Тупроқ сув-туз режимини аниқлаш ва баҳолаш. Суғориладиган тупроқларда суғориш сувлари билан кириб келган, тупроқда қолиб кетган ва коллектор-зовур сувлари билан чиқиб кетган тузлар миқдорини ҳамда балансини аниқлаш шўрланишнинг олдини олишда муҳим омил ҳисобланади.

Вилоят ҳудудида тадқиқот йиллари давомида суғоришдан кейин ўртача 839,3 млн м³, энг кам миқдори 2008 йилда 621,41 млн м³ ва энг кўп миқдори 2015 йилда 1115,83 млн м³ коллектор-зовур сувлари ҳосил бўлган (4-жадвал).

4-жадвал

Сув-тупроқ-туз режимини (вилоят минтақавий гидрогеологик мелиорация экспедициясининг 2000–2015 йиллар маълумотлари)

Йиллар	Ишлатилган суғориладиган сув					Коллектор-зовур сувлари билан чиқарилиши					Туз баланси	
	Сув ҳажми (млн м ³)	Минераллашув (г/л)	Хлор миқдори (г/л)	Умумий туз миқдори (минг т)	Умумий хлор миқдори (минг т)	Сув ҳажми (млн м ³)	Минераллашув (г/л)	Хлор миқдори (г/л)	Чиқиб кетган умумий туз миқдори (минг т)	Чиқиб кетган умумий хлор миқдори (минг т)	Умумий туз баланси (минг т)	Умумий хлор баланси (минг т)
2000	2644,66	1,5	0,16	4099,22	423,14	966,47	4,4	0,47	4319,15	454,24	-219,4	-31,1
2001	2351,8	1,3	0,14	3125,54	329,25	980,58	4,2	0,45	4166,48	441,26	-1041	-112
2002	2507,78	1,3	0,14	3265,53	351,08	935,45	3,4	0,36	3177,72	336,76	+87,41	+14,3
2003	2600,82	1,2	0,12	3081,97	312,09	830,83	3,3	0,35	2789,92	290,79	+292	+21,3
2004	23067,37	1,1	0,12	3542,81	368,08	920,53	4,6	0,48	4207,74	441,85	-664,9	-73,7
2005	3368,82	1,1	0,11	3665,27	370,57	798,97	2,3	0,24	1872,78	191,75	+1792	+178,8
2006	2660,45	1,1	0,12	3075,48	319,25	719,56	2,1	0,23	1548,49	165,49	+1527	+160
2007	2816,93	1,1	0,12	3188,76	338,03	765,43	3,1	0,33	2386,61	252,59	+802,1	+85,4
2008	2447,3	1,2	0,13	3054,23	318,14	621,41	3,2	0,34	2015,85	211,27	+1038	+106,8
2009	2513,76	1,2	0,12	2928,53	301,65	692,72	2,9	0,31	2063,61	214,74	+864,9	+86,9
2010	2812,76	1,1	0,12	3220,61	337,53	732,6	3,6	0,39	2677,65	285,71	+542,9	+59,1
2011	2593,86	1,1	0,12	3001,1	311,26	679,39	3,1	0,32	2081,65	217,4	+919,4	+93,8
2012	2390,22	1,2	0,13	2865,87	286,82	737,36	2,9	0,32	2209,13	235,95	+656,7	+50,8
2013	3100,82	1,3	0,14	4046,57	403,1	893,65	3,5	0,37	3120,62	330,65	+925,9	+72,4
2014	2548,79	1,1	0,12	2923,46	305,85	781,57	3,9	0,41	3040,3	320,44	-116,8	-14,5
2015	2464,47	1,2	0,12	2883,43	295,73	1115,83	3,7	0,39	4108,48	435,17	-1225	-139,4
2016	2854,71	1,2	0,13	3645,46	371,11	875,92	3,6	0,38	3140,17	332,85	+505,3	+38,2
2017	2789,54	1,2	0,12	3124,28	306,84	923,24	3,4	0,36	3157,48	332,36	-33,2	-25,5
2018	2843,15	1,21	0,12	3440,21	341,18	975,81	3,51	0,37	3473,8	361,0	-33,6	-19,9
Ўртача	2704,1	1,2	0,12	3272,5	336,3	839,3	3,4	0,36	2924,1	305,6	+348,4	+29,1

Тадқиқот натижаларига кўра 2000–2018 йилларда вилоят суғориладиган майдонларидаги сув-тупроқ-туз режимининг динамикаси қуйидагича ўзгарган: Суғориш учун ишлатилган сувнинг ўртача миқдори 2704,1 млн м³/йил, суғориш суви таркибидаги умумий туз миқдори 3272,5 минг т/йил, хлор миқдори 336,3 минг т/йил, суғориш майдонларидан коллектор-зовур сувлари орқали чиқиб кетган сувнинг ўртача миқдори 839,3 млн м³/йил, умумий туз миқдори 2924,1 минг т/йил, хлор миқдори 305,6 минг т/йил, суғориладиган майдонларида қолиб кетган умумий туз миқдори ўртача 348,5 минг т/йил, хлор миқдори 29,1 минг т/йил ни ташкил қилган (4-жадвал).

Тадқиқот натижаларидан маълум бўлдики, вилоятнинг ҳар га суғориладиган майдонларига ўртача 10,8 минг т туз суғориш сувлари билан кириб келган, коллектор-зовур сувлари билан 9,6 минг т туз чиқиб кетган ва суғориш сувлари билан кириб келган тузларнинг ўртача 11,3% суғориладиган майдонларда қолиб кетган. Ўртача ҳар га суғориладиган ерларда 1,2 минг т туз қолиб кетган. Суғориладиган майдонларда қолиб кетган ортиқча тузлар асосан шўр ювиш тадбирлари ва қиш баҳор фаслларидаги ёғингарчиликлар туфайли ювилиб турган.

ХУЛОСАЛАР

“Жиззах вилояти суғориладиган ер ва сув ресурсларидан барқарор фойдаланишнинг экологик жиҳатларини баҳолаш” мавзусидаги диссертацияси иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Вилоят қишлоқ хўжалиги, асосан, Сирдарё ва Зарафшон дарёларининг чекланган сув ресурсларидан фойдаланади. Суғориш учун ишлатилган Сирдарёнинг суви юқори минераллашганлиги (1,16–1,38 г/л) билан ажралиб туради ва вилоят суғориладиган тупроқлари шўрланишининг асосий омилларидан ҳисобланади. Сирдарё суви таркибида оғир металлларнинг миқдори РЭЧУдан 5–10 баробар юқори ва ичимлик мақсадларида фойдаланишга тавсия этилмайди. Тадқиқот натижалари вилоят сув ресурсларини муҳофаза қилишда ва улардан оқилона фойдаланишда муҳим ҳисобланади.

2. Тадқиқот йилларида вилоят суғориладиган тупроқлари ер ости сизот сувлари сатҳининг асосий қисмини 2–3 м–гача (67%) бўлган майдонлар ташкил қилган. Сизот сувлари сатҳини кўтарилиши суғориладиган тупроқларнинг шўрланиш ва ботқоқланишининг асосий омилларидан ҳисобланади. Тадқиқот натижаларидан вилоят суғориладиган тупроқларини шўрланиш ва ботқоқланишдан муҳофаза қилиш мақсадида фойдаланилган.

3. Тадқиқот йилларида вилоят суғориладиган тупроқларининг асосий қисмини сизот сувларининг минераллашуви 1–5 г/л (75%) бўлган майдонлар ташкил этган. Сизот сувлари минераллашуви даражасининг ортиши суғориладиган тупроқларнинг деградацияга учраши ва шўрланишининг асосий омилларидан ҳисобланади. Тадқиқот натижалари шўрланиш даражасини башорат қилишда ҳамда суғориладиган тупроқларни муҳофаза қилишда ва улардан оқилона фойдаланишда муҳим ҳисобланади.

4. Тадқиқот йиллари оралиғида шўрланмаган майдонлар 5 %-га ошган, ўртача шўрланган майдонлар 3% камайган. Вилоятда суғориладиган тупроқларининг шўрланиш даражаси камроқ даражада яхшиланган. Тупроқлар шўрланишининг олдини олишнинг самарали усули ер ости сизот сувларининг сатҳи ва минераллашувини камайтириш, коллектор-зовур тармоқларининг самарадорлигини оширишдир. Олинган натижалар вилоят суғориладиган тупроқларини муҳофаза қилишда ва улардан оқилона фойдаланишда фойдаланилган.

5. Вилоят коллектор-зовур сувларининг миқдор ва сифат курсаткичлари динамикаси илк бор ўрганилган. Тадқиқот йилларида ўртача 839,3 млн м³ коллектор-зовур сувлари ҳосил бўлган.

Йирик коллектор-зовур лар суви таркибида оғир металллар: темир, фтор, хром, мис ва рух миқдори РЭЧУдан бир неча баробарга, анионлар азот нитрит, азот аммоний, азот нитрат, хлор ва сульфат 2–3 баробарга, катионлар кальций, магний, натрий ва калий 5–6 баробарга юқори бўлган. Нисбатан кам минераллашган ЖБК ва Оқбулоқ коллектор-зовур сувларидан сув тақчил бўлган йилларда суғориш, тузга чидамли ўсимликларни етиштириш ва бошқа мақсадларда фойдаланиш учун тавсия этилади. Коллектор-зовур сувидан чорвачиликда ва ичимлик мақсадларида фойдаланиш тавсия қилинмайди.

6. Илк бор баҳоланган сув-тупроқ-туз режими таҳлили натижалари ҳар бир га суғориладиган майдонларга ўртача 10,8 минг т. туз суғориш сувлари билан кириб келган, коллектор-зовур сувлари билан 9,6 минг т. туз ювилиб чиққан ва 11,3% тузлар суғориш майдонларида қолиб кетган ва тупроқ шўрланишига сабаб бўлган. Тадқиқот натижалари вилоят суғориладиган тупроқларида шўрланишнинг олдини олишда, мелиоратив чора–тадбирларни ишлаб чиқишда, суғориладиган тупроқларни муҳофаза қилишда ва ундан оқилона фойдаланиш учун тавсия қилинди.

7. Ўзгарувчан иқлим шароитида вилоятда суғоришда ишлатилган сув ресурсларидан тежамли ва барқарор фойдаланиш, суғориладиган ерларнинг ер ости сизот сувлари сатҳи ва минераллашувини мақбул даражада ушлаб туриш, коллектор-зовур тизимининг самарали ишлашини таъминлаш, вилоят атроф–муҳитини муҳофаза қилиш ва ер–сув ресурсларидан оқилона фойдаланишда муҳим аҳамиятга эгадир.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ
СТЕПЕНИ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
DSc.03/27.02.2020.В.01.15. ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

МИРЗАЕВ ЖАСУРБЕК АШИРАЛИЕВИЧ

**ОЦЕНКА ЭКОЛОГИЧЕСКИХ АСПЕКТОВ УСТОЙЧИВОГО
ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ОРОШАЕМЫХ ЗЕМЕЛЬ И ВОДНЫХ РЕСУРСОВ
ДЖИЗАКСКОЙ ОБЛАСТИ**

**11.00.05 - Охрана окружающей среды и рациональное использование
природных ресурсов**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.2. PhD/B173.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета: (www.nuu.uz) и Информационно-образовательном портале “ZiyoNet” (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Кулматов Рашид Анарович**
доктор химических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Жабборов Зафаржон Абдукаримович**
доктор биологических наук, профессор

Насрулин Айдар Булатович
кандидат географических наук, старший научный сотрудник

Ведущая организация: **Ташкентский государственный аграрный университет**

Защита диссертация состоится «___» _____ 2021 года в «___» часов на заседании Научного совета DSc.03/27.02.2020.B.01.15 при Национальном университете Узбекистана (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, Студенческий городок, ул. Университетская, д 4. Корпус биологического факультета Национального университета Узбекистана, 2-й этаж, комната 203. Тел.: (+99871-246-67-72).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована под №___). Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, Студенческий городок, ул. Университетская, д 4. Тел.: (+99871-246-67-72)

Автореферат диссертации разослан “___” _____ 2021 года.

(реестр протокола рассылки № __ от _____ 2021 г.).

Шеримбетов Санжар Гулмирзоевич
Председатель разового Научного совета по
присуждению учёных степеней, д.б.н.,
профессор

Аллабердиев Рустамжон Хамраевич
Учёный секретарь разового Научного совета по
присуждению учёных степеней, к.б.н., доцент

Рахимова Ташханим Тўймухамедовна
Председатель Научного семинара при разовом
Научном совете по присуждению учёных
степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире наблюдается растущая тенденция естественного и антропогенного воздействия на почвы, что приводит к изменению их свойств, условий окружающей среды и снижению продуктивности, а также в отдельных случаях-к полной непригодности почв для использования. В связи с этим экологический анализ изменений, происходящих в почвах, и изучение воздействующих на них факторов имеют важное научно–практическое значение.

В мире принята концепция устойчивого развития использования орошаемых земель и водных ресурсов: в частности, уделяется отдельное внимание проведению научно-исследовательских работ по качеству и количеству водных ресурсов, используемых при орошении, уровню и минерализации грунтовых вод, степени засоления орошаемых земель, количественные и качественные изменения коллекторно-дренажных вод, определению и оценке водно-почвенного-солевого режима.

В настоящее время в нашей республике проведены широкомасштабные мероприятия по устойчивому использованию водных и земельных ресурсов, а также по охране почвенного плодородия и улучшению его мелиоративного состояния. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан² поставлены важные задачи, направленные на «... повышение плодородия почв и урожайности сельскохозяйственных культур, дальнейшее совершенствование мелиоративного состояния орошаемых земель, расширение производства экологически чистой продукции, эффективное и устойчивое использование земельных ресурсов». Для осуществления данных задач, в частности, оценка экологических особенностей рационального использования орошаемых земель и водных ресурсов Джизакской области имеет важное научно-практическое значение.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализация задач, поставленных в указах Президента Республики Узбекистан №УП–4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 г. №УП-5065 «О мерах по усилению контроля за охраной и рациональным использованием земель, совершенствованием деятельности геодезии и картографии, по упорядочению ведения государственного кадастра» от 31 мая 2017 г., Постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП–3405 «О Государственной программе развития ирригации и улучшения мелиоративного состояния орошаемых земель на период 2018-2019 годы» от 27 ноября 2017 г. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан №841 «О мерах по реализации национальных целей и задач в

² Указ Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 г. № УП-4947.

области устойчивого развития до 2030 года» от 20 октября 2018 г. а также в других нормативно–правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование проводилось в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Во многих развитых государствах мира проведены научно-исследовательские работы по определению качества поливных вод, уровня и минерализации грунтовых вод, а также по определению коллекторно-дренажных вод, образованных на орошаемых землях. Ведущие мировые учёные в этой области, такие как Н.К Marquita (2004), J.Patrick, J.Frankiln, J.James (2005), C.Saigo (2009), D.D.Chiras (2010), В.К.Yessekin (2007), М. Groll (2013), Z.Sun (2015), D. Rise (2016), А.Jilili (2018) проводили исследования по определению качества орошаемых вод, миграция химических веществ в почве, засолению орошаемых земель и смягчению их последствий.

